



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Ғамнинг  
энг ёмони  
бировнинг  
омади ёки  
ютуғига ҳасад  
қилишдир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 3-iyun, payshanba, 65 (23.501)-son

## Пахтачи ва Нарпайда 500 оилага “қармоқ” берилди

Бугун юртимиздаги барча маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож, оғир турмуш шароитида яшайётган қатлами уч дафтар – “темир”, “аёллар” ва “ёшлар” дафтарларида рўйхатга олинди. Уларни камбағалликдан чиқариш, ҳаётини ўзгартиришига амалий кўмак беришни давлат ўз зиммасига олган.



Бу оилалар, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий муҳофаза қилишда уларга фақатгина маънавий ва моддий кўмак бериш билан чекланилмаяпти, балки доимий даромад манбаига эга бўлишига эътибор қаратилмоқда. Бошқача айтганда, муҳтож кишига балиқ эмас, қармоқ берилмоқда, бунинг учун шароит яратилаётди.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатида вилоятимизда 16246 оила (бу оилаларнинг 6133 нафари меҳнатга лаёқатли ишсизлар) “Темир дафтар”да рўйхатда эди. Рўйхатдагилар бандлигини таъминлаш ва уларни доимий даромад манбаига эга қилиш орқали маҳаллий кенгашлар қарорлари билан 9414 оила камбағал оилалар рўйхатидан чиқарилди. 1 июнь ҳолатида 6896 оила “Темир дафтар” рўйхатида қолмоқда.

Ушбу оилалардаги меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларнинг истак ва талабларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг бандлигини таъминлаш ва тadbиркорликка жалб қилиш чоралари кўрилмоқда.



Жумладан, кеча Пахтачи туманида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 207 нафар фуқаронинг ўз тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши ва ўзини ўзи банд қилиши учун ижтимоий шартнома асосида 448 миллион сўмлик 12 турдаги асбоб-ускуналар тарқатилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда вилоят ҳокими Э.Турдимов, ДХХ вилоят бошқармаси бошлиғи ва сектор раҳбарлари, жамoатчилик вакиллари иштирок этди. Бугун юртимизда аҳолини камбағалликдан чиқариш, муҳтож оилалар ва кишиларни тadbиркорликка ва касб-хунарга ўргатиш, бандлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг бир йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда, – деди Э.Турдимов. – Катта бир вазирилик олдида ушбу вазифа қўйилган ва унинг фаолиятининг асосини шу масала ташкил этмоқда. Бу борада вилоятимиз, хусусан, Пахтачида олиб борилаётган ишлардан яхши хабардорсиз. Мақсадимиз – одамларга ёрдам бериш, уларнинг ҳаётини ўзгартириш, турмуш даражасини ошириш. Лекин қўлдан берганга қўш тўймас, деган гап бор. Шунинг учун дафтардаги оилалар аъзолари ишлаб даромад

топиши учун имконият яратиб беришни мақсад қилганмиз.

– Оиламиз “Темир дафтар”да бўлгани сабабли ўтган йилги пандемия даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ва моддий ёрдам олиб турдик, – дейди Д.Ташбоева. – Лекин бу билан, гарчи кунимиз ўтиб турган бўлса-да, ҳеч бир оиланинг бири икки бўлмайди. Шунинг учун сектор ва маҳалла масъуллари иш масаласида қандай ёрдам берилик, дейишганда тикув машинаси ажратишларини сўрадик. Тикувчилик қилиб бўлса ҳам рўзгоримизни удралай оламиз. Бугун замонавий тикув машинасига эга бўлдик.

Тумanning Сарой маҳалласида яшовчи Ш.Абдусаломов ҳам ишсизлик туфайли қийналиб қолганди. Унга ҳам ўзининг истагига кўра, мотокультиватор берилди.

Нарпай туманида ҳам уч дафтардаги 319 нафар фуқарога ўз тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва ўзини ўзи банд қилиши учун умумий қиймати 823 миллион сўмлик асбоб-ускуналар берилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни бу йил Самарқандда ўзгача нишонланди. Барча туман ва шаҳарлардаги истироҳат боғлари, хибонларда болалар иштирокида концертлар, спорт ўйинлари, маданий дастурлар ўтказилди.



## БОЛАЛАРНИ ҲОКИМ ТАБРИКЛАДИ

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари Меҳрибонлик уйи, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, мактаб-интернатларида таълим олаётган, шифохоналарда даволанаётган болажонларни табриклади. Эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ҳам эътибордан четда қолмади.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов вилоят сектор раҳбарлари ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳридаги 59-сонли мактаб-интернатда бўлиб, бу ерда таълим-тарбия олаётган болаларни байрам билан қутлади ва уларга эсдалик совғалари топширди. Вилоят раҳбари болажонлар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, улар билан дилдан суҳбатлашди, тарбияланувчиларнинг орзу-мақсадларини эшитди.

Шу кунини шаҳардаги Алишер Навоий номи марказий истироҳат боғи эрта тонгдан болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум бўлди. Бу ерда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, болалар мусиқа ва санъат ҳамда спорт мактаблари ўқувчилари иштирокида тadbирлар уюштирилди.

– Болаларимиз карантинда зериқканди, бугун байрамдан уларнинг шодлигини кўриб қувоняман, – дейди меҳнат фахрийси Гулбаҳор Нусратова. – Набираларимиз билан исти-

роҳат боғини айланиб юрибмиз. Улар бу ердаги спорт мусобақаларида, маданий тadbирларда фақат томошабин бўлиб қолмай, ўзлари ҳам маҳоратларини кўрсатмоқда.

Шаҳардаги истироҳат боғларида аттракционлар болажонлар учун бепул хизмат кўрсатди. Байрам томошалари Кимёгарлар ва Фарҳод шаҳарчаларида, Қорасув массивида кўтаринки руҳда давом этди.

PS. Бу йилги байрам аввалгиларидан бошқача бўлганлигини 1 июнь кунини кечкурун Алишер Навоий номи марказий ҳамда “Ёшлик” истироҳат боғлари, яқинда фойдаланишга топширилган муз саройи ва улар атрофи болажонлар, ота-оналар билан гавжум бўлганидан, йўлларда автомашиналар тирбандлиги юзга келганидан ҳам сезиш мумкин. Фақат масулларга ҳам, ота-оналарга ҳам бир илтимосимиз бор – карантин ва йўл ҳаракати қондаларига риоя этишга, уни таъминлашга бурчли эканлигимизни унутмайлик. Байрам ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўнглига татиши учун турли хил кўнгилсиз ҳолатлар юзга келишидан, бунга сабабчи бўлиб қолишдан тийилмайлик.

Тўлқин СИДДИҚОВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Ушбу сана муносабати билан вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам байрам тadbiri бўлиб ўтди.

– Тadbирда марказимизда даволанаётган 400 га яқин беом қатнашди, – дейди тиббиёт марказининг неврология бўлими мудири Дилноза Собирова. – Бу кўнгилочар байрам болажонларимизни руҳлантириб, соғайишларига ёрдам беради. “Вақф” хайрия жамoат фонди вилоят филиали томонидан шифохонамизда даволанаётган юз нафар болага ҳадялар топширилди.

Тadbир давомида санъаткорларнинг чиқиши, кўнгилочар томошалар болаларга кўтаринки кайфият улашди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Гап шундаки, шу йилнинг бошидан бошлаб вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан бир эмас, нақ уч марта айнан хотин-қизларга ташкилот томонидан кўрсатилаётган ёрдам юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани, брифинг ўтказилди. Матбуот анжумани шунчалик самимий руҳда ўтдики, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзлари хотин-қизлар билан боғлиқ муаммоларни ҳам айтиб, кенгаш раисига мурожаат қилди, уларга қандай ёрдам кўрсатиш мумкинлиги бўйича тавсиялар олинди, ҳатто.

## Хотин-қизлар масалалари билан фақат касаба уюшмаси шуғулланаяптими?

Кейинги гал ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида ойма-ой ҳисоб берилди.

Кенгаш раиси оммавий ахборот воситалари ходимларига берган маълумотларига бир эътибор беринг. «Биз асосий эътиборни жойларда аҳоли ўрганилган оилалар, уларнинг нечоғлиқ муҳтожлиги аниқлангандан сўнг манзилли ёрдам кўрсатаямиз. Туман ва шаҳар ҳокимликларининг дастур доирасидаги тавсияси асосида бугунги кунгача вилоятимиздаги 2 563 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларимизни уй-жой билан таъминлаш, қурилиш материаллари олиш учун ҳамда даволаниш ва дори-дармон олиш учун, моддий ёрдам, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш мақсадида йўналтирилди. Жумладан, вилоятимиз бўйича 1471 нафар хотин-қиз тикув машиналари билан таъминланиб, касаначилик асосида янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, 254 нафарига уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материаллари олиб берилди, 168 нафарига дори-дармон харид қилиш учун, 44 нафарига даволаниши учун транспорт воситасига эга бўлдим.

Асбоб-ускуналарни топшириш маросимларида сенатор Ф.Тошев, тажрибали фермерлар Н.Қурбонова ҳамда З.Ҳайдарова сўзга чиқиб, аҳолини ушбу воситалардан самарали фойдаланиб, ўз рўзгорини обод, турмушини фаровон қилишига ишонч билдирдилар.

моқда. Тўғри, ушбу ишлар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани тазкидланди. Умуман, йил бошидан буён эътибор берадиган бўлсак, «Аёллар дафтари»даги хотин-қизларни саёҳатга олиб чиқиши, уларни тақдирлашми, барчасида касаба уюшмаларининг номи тилга олинмоқда.

Шуниси қизиқки, шу йил давомида маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳам, бугунги кунда бошқарма бошлигининг ўринбосари, қолаверса, ҳокимнинг хотин-қизлар бўйича маслаҳатчиси мақомидаги лавозим эгаларининг бирортаси аёллар муаммоларини ҳал этиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказгани йўқ.

Ваҳоланки, шу вақт оралиғида хотин-қизларга кўрсатилаётган ёрдам юзасидан бир қанча ўзгаришлар юз берди, ҳуқуқат қарорлари эълон қилинди. Улар бўйича қандай иш олиб борилапти, бугун қийналган аёлга қандай аниқ ёрдам кўрсатиш мумкин, бунда муаммолар ҳоми? Бу каби саволлар тўпланиб қолган бўлишига қарамай, мутасаддилар жим.

Нима бўлганда ҳам бугун хотин-қизлар билан боғлиқ турли шов-шувли ҳолатлари ижобий воқеалиқлар, янгиликлар кўп. Аммо бу ҳақда мутасаддилар на муносабат билдирмоқда ва на брифинглар ўтказилаётди.

Гулруҳ МҲМИНОВА.

## Самарқандда “Фермерлар мактаби” очилди



Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалида “Фермерлар мактаби” очилди.

– “Фермерлар мактаби” икки ойлик ўқув курси бўлиб, унга қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиққан 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшлар суҳбат асосида ўқишга қабул қилинди, – деди филиал директори Шавкат Ҳасанов. – Ўқув курси ёшлари бир ой мобайнида чорвачилик, паррандачилик, сабзавот ва ползичилик, иссиқхона хўжалиги, бизнес, молия ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишлари бўйича назарий билим олади. Сўнгра бир ой йирик корхона ва ташкилотларда амалиёт ўтади.

“Фермерлар мактаби”га Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларидан 30 нафар талабгор қабул қилинди. Икки ой мобайнида уларнинг турар жойи, озиқ-овқати “Агробанк” АТБ томонидан молиялаштирилди.

– Бизни меҳмонхонага жойлаштиришди, – дейди Каттақўрғон туманида истиқомат қилувчи Исмоилдин Равашинов. – Турар жой, уч маҳал оқват бепул. Ўқишга автобус олиб бориб, келади. Биздан фақат таълим олиш талаб қилинади, холос. Ёшларга берилган бундай имкониятдан мамнунман. Ушбу ўқув курсига келиб ўқишимнинг сабаби, илгари оилавий иссиқхонамиз бор эди. Етарли билим, тажриба йўқлиги сабабли ундан яхши ҳосил ололмадик. Шунинг учун “Фермерлар мактаби”да ўқишга қарор қилдим.

– Мен Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан келдим, – дейди Шейхруз Бурхонов. – 100 гектар ерим бор, пахта, галла етиштираман. Аввал бу ерни отам бошқарарди, икки йилдан бери мен фермерлик қиламан. “Фермерлар мактаби”ни бир дўстимдан эшитиб қолдим. Дастлаб онлайн ҳужжат топширдим. Кейин суҳбатга қақиртирилдим. Талабгорлар жуда кўп эди. Ўқув курсига қабул қилинганимдан жуда хурсандман. “Фермерлар мактаби”да ўқишларга сертификат берилади. Бундай мактаб республикамизнинг 5 та ҳудудидан очилди.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.



«Президент ташрифидан сўнг»

Давлатимиз раҳбари 15-16 апрель кунлари Самарқандга ташрифи чоғида ўтказилган фаоллар йўналишида вилоят олий таълим тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлишини маълум қилди ва масъулларга бир қатор вазифа ва топшириқлар берди.

Абитуриентларни ўзимиз тайёрлаймиз

Президентимиз топшириқлари-га биноан 2021-2022 ўқув йилидан вилоятнинг Нарпай ҳамда Пайариқ туманларида "Мақтабача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)" ва "Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили" факультетларини ташкил этяпмиз. Нега айнан ушбу икки тумандан очяспизлар? деган савол туғилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан Нарпай туманидаги хизмат кўрсатиш техникуми ҳамда Пайариқ туманидаги иқтисодиёт ва сервис касб-хўнаро коллежлари Самарқанд давлат чет тиллар институти тасарруфига ўтказилган. Ушбу икки тумандаги иншоотлар ҳам эскириб, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Биз буларни тўлиғича қайта таъмирдан чиқаримиз, талабаларнинг замонавий таълим олишлари учун зарур имкониятларни яратамиз. Мазкур иккала туманда очиладиган факультетлардаги таълим йўналишлари, яъни "Хорижий

тил ва адабиёти: инглиз тили" йўналишига 60 тадан, "Мақтабача ва бошланғич таълимда хорижий тил (инглиз тили)" йўналишига 40 тадан квота ажратиб, жами 200 нафар абитуриентни ўқишга қабул қилишни режалаштиряпмиз. Бундан ташқари, институт аффилидаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» рўйхатида турган уюшмаган ёшларни бирлаштириб, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишни мақсад қилдик. Бу борада қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш психологик маркази ташкил этиб, 100 нафардан ортқ хотин-қизларни жалб этамиз. Ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида ИТ ҳамда АКТ билан ишлаш курсига 300 нафар, тадбиркорлик ва касбга йўналтириш курсига 200 нафар ёшларни қамраб оламиз. Шунингдек, ёшларнинг тил кўникмаларини ошириш, уларга хорижий тилларни мукамал ўргатиш орқали ОТМга жалб қилиш мақсадида турли бепул тил курсларини (инглиз тили 300 нафар, немис, француз, хитой, япон ва корейс тиллари 50 нафардан) жорий этамиз.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшларнинг маънавий дунёқарабини шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этиладиган "Қувноқлар ва зукколар" клуби ва "Таржимон" театр студиясига 100 нафардан, "Заковат" клуби ва китобхонлик тўғрақларига 200 нафардан ёшларни қамраб оламиз. Ушбу механизм орқали 300 нафар ёшларнинг бандлиги таъминланади, 200 нафарининг касб эгаси бўлишига кўмаклашамиз. 350 нафарини ОТМга қамраб олиб, 200 нафарининг тил билиш даражасини оширамиз.

Институтимиз талабаларининг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда маданият вазирлиги билан ҳамкорликда мусиқа ижрочилиги, анъанавий хонандалик ва рақс санъати бўйича талабалар хаваскорлик ансамбллари ташкил этамиз. Эндликда вилоят маданият бошқармаси билан ҳамкорликда институтда ҳафтада икки марта, талабалар турар жойида ҳафтада бир марта таниқли маданият ва санъат ходимлари билан ижодий учрашувлар, спектакллар, концерт-томоша дастурлари, миллий мақом куйлари кечаларини ташкил этиш режалаштирилди.

Албатта, бу ишлар замирида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсад қилинган.

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори.

Россияга кириш ҳуқуқи вақтинчалик чекланган фуқаролар чеклов тугаганини қаердан билиши мумкин?

Пандемия сабаб кўпчилик юртдошларимизнинг хорижга, хусусан, Россия давлатига вақтинча ишга бориши чекланди. Бугунги кунда жойлардаги касб-хўнаро курсларида ўқиётганларни хориждан иш топиш масаласи ва Россия давлатига бориш тартиби қизиқтиради. Ҳў, биринчи навбатда қилмаларга йўл очилади? Шу ва бошқа саволларга мутахассис жавоб беради.

Россия Федерациясига киришга рухсат берилса, карантин тартиблари бекор қилиниб, мунтазам ҳаво йўл ва темир йўл қатновлари тўлиқ йўлга қўйилган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг хорижга чиқиш паспортига эга бўлган ҳар қандай фуқароси, шу жумладан, меҳнат мигранти тўғридан- тўғри чипта олиб Россия Федерациясига бориши мумкин. Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси фуқароларини шу давлатга киришлари учун виза рухсатномаси талаб этилмайди-дан давлат ҳисобланади.

Россия давлатига кириш ҳуқуқи вақтинчалик чекланган фуқаролар таъқиқи бор ёки йўқлигини Ўзбекистондан туриб билиши мумкинми?

Агар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси илгари Россия давлатида бўлган вақтида вақтинчалик шу давлатга кириш ҳуқуқи чекланган бўлса, бу ҳақда маълумот олиш учун Россия Федерациясининг ИИВ (Федерал миграция хизмати - ФМС) расмий сайти орқали ариза юбориши ва ўзи ҳақида маълумот кириштириш керак. Бу орқали фуқаро ушбу давлатга кириш учун тақиқи бор ёки йўқлиги ҳақида аниқ маълумот олиши мумкин.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясининг тегишли вазирлик ва идоралари билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан туриб, кириш тақиқи ҳақидаги маълумотларни текшириш учун республикамизнинг барча ҳудудларида шундай марказлар очил ш ва маълумотлар базаси (доступ-база ФМС МВД Р.Ф.)га киришга

рухсат берилиши юзасидан келишув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳокимликлар қошидаги миграция бўлими фуқароларга қандай кўмак бера олади?

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тақдим қилган Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфий ташкилоти ҳисобланиб, республиканинг барча ҳудудларида филиалларига эга.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг минтақавий филиаллари фуқароларга қуйидаги масалаларда кўмаклашади: - хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагини билдирган фуқароларнинг меҳнат миграцияси масалалари бўйича хабардор қилиб боради.

иш берувчиларнинг бўш иш ўринлари бўйича тақдим қилган сўровнома (вакансия)ларини эълон қилиб боради, номзодлар рўйхатини шакллантиради ва чет эл иш берувчиси томонидан ўтказиладиган танловларни ташкил этади, ҳар бир фуқарони касб бўйича малакаси, тажрибаси ва заруратга кўра тасдиқловчи ҳужжатларини ўрганиб танловларга тақлиф беради.

иш берувчи томонидан маъқулланган фуқароларни ишга юбориш жараёнларини ташкил этади.

фуқаролар меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ҳудудидан транспортда кетаётганда авиа ва темир йўл транспортда имтиёзга йўл чиқталарини сотиш бўйича хизматларни

мувофиқлаштиради. - хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўришда кўмаклашади.

Касб-хўнарога ўқитиш марказларида ўқиётган фуқароларга миграция бўлими хориждан иш топиб бера оладими?

Ҳамкорлик ўрнатилган давлатларнинг иш берувчилари томонидан тақдим этилаётган вакансиялар ва ишга жалб этиш бўйича хорижда вақтинчалик меҳнат фаолияти олиб бориш истагида бўлган барча фуқароларга тақлиф бериб боради, шу жумладан, касб-хўнарога ўқитиш марказларида ўқиётган фуқароларимиз учун ҳам.

Касб-хўнарога ва юқори малакага эга бўлган номзодлар иш берувчи томонидан қўйиладиган талабларга мос келиши ва уни қизиқтириши, албатта, шунга мос иш ҳақи ҳамда иш шариоити тақлифи билан меҳнат шартномаси тузилиши мумкин. Малакали номзодларни иш берувчи танловларидан ўтиш имкониятлари ҳам юқори бўлади.

Хориждаги фуқароларимиз қандай ҳолатларда жойлардаги миграция бўлимига мурожаат этиши мумкин?

Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик идоралари қошида меҳнат миграциясининг ваколатхоналари фаолият олиб бормоқда. Ушбу ваколатхоналар томонидан бўш иш ўринлари, касб ва тил ўрганиш курслари, ҳуқуқий ва моддий ёрдам, иш ҳақини ундириб бериш, ноқонуний олиб қўйилган ҳужжатларни қайтариб олиш каби масалаларда амалий ёрдам кўрсатилади.

Саволларга ташқи меҳнат миграцияси агентлиги вилоят филиали раҳбари Умид НОРМУРАТОВ жавоб берди.

НУРОБОДЛИК ЁШЛАРНИНГ

муаммоларига ечим топилапти(ми?)

Нуробод туманида "Ёшлар дафтари"ни шакллантириш мақсадида ўтказилган хатлов натижасига кўра 26 727 нафар ёшнинг 4649 нафарини турли хил муаммолар қийнаб келаётгани аниқланган. Ҳозирда "Ёшлар дафтари" рўйхатида киритилган йигит-қизлар муаммоларига ечим топиш мақсадида зарур чоралар кўриляпти. Асосан, ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.



Рўйхатга киритилган ёшларнинг 1643 нафари ишсиз эди, - дейди туман ҳокими ўринбосари Наврўзбек Жалололиддинов. - Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 776 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Қолганларини ҳам ишла қилиш учун тумандаги барча корхона ва ташкилот раҳбарлари масъул этиб бириктирилган. Асосан, тадбиркорлик, хўнаромандлик, "Ҳар бир ёшга бир гектар" лойиҳаси доирасида ер ажратили, домий ва мавсумий ишларга жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга эришилмоқда.

УЛУСДА ИШСИЗ ЁШЛАР НЕГА КЎП?

Туманда энг кўп муаммоли ёшлар Улус маҳалласида аниқланган. Ўтказилган хатловда 182 нафар йигит-қиз ишсизлиги туфайли "Ёшлар дафтари"га киритилган. - Яширмадик, тортинмадик, қанча фарзандларимиз ишсиз бўлса барини дафтарга киритдик ва бу яхши натижа берапти, - дейди маҳалла раиси Уктам Улугов. - Рўйхатдаги ёшлардан 27 нафарига фермер хўжаликлари даласидан ҳар бирига 50 сотихдан ер ажратилди. Бу ерга экинладиган уруғ ва кўчатлар билан таъминлаш учун ҳомилар топишга кўмаклашилди. 22 нафарига имтиёзли кредитлар ажратилди. 30 нафарига ўзини ўзи банд қилиши учун субсидия асосида пайвандлаш, қарчар ва бошқа турдаги ускуналар олиб берилди. 10 нафар хотин-қиз тикув машинаси олди.

Коллежни битиргандан бери ишлаш учун хорижга борардим, - дейди Тўйчи Эшмуродов. - Бу йил 50 сотих ер ажратилди. 25 сотихга 700 килограмм қартошка уруғи қададим. Насиб этса 5-6 тонна ҳосил олишни режалаштириб туриб-

ман. Ернинг қолган қисмига маккажўхори ва помидор эқдим.

Ишсизлигим туфайли "Ёшлар дафтари" рўйхатида киритилганман, - дейди яна бир улуслик йигит Сайилхон Уролов. - Темир-ни пайвандлаш кўлимдан келарди, аммо ускуналарим йўқ эди. Шу масалада сектор раҳбарига мурожаат қилганим, субсидия асосида керакли ускуналар олиб берилди. Устахона очиб, ёнимга "Ёшлар дафтари"да турган йигитлардан 4 нафарини шогирдликка олдим ва ишни бошлаб юбордим. Асосан, дарвоза, панжара, сўри, войиш ва арчимочлар ясаямиз. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш истагидамыз.

УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ БЎШ ТУРГАН ХОНА ЦЕХГА АЙЛАНТИРИЛДИ

Туманининг Халқобод маҳалласида бир пайтлар хўжалик идораси бўлган эски, аммо фойдаланишга яроқли бўлган бинода фуқаролар йиғини фаолият кўрсатади. Бинодаги 6 та хона бўш турган эди. Бугун улардан бирида кичик тикув цехи очилди. - Ишсиз эдим, "Ёшлар дафтари"га киритилдим, - дейди шу маҳаллада яшовчи хотин-қизлардан бири Манзура Орузқулова. - Маҳалламиздаги ёш хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш учун ёшлар жамғармаси ҳисобидан 5 та замонавий тикув машинаси берилди. Маҳалла биносидан жой ажратилди. Биз бирлашиб кооператив ташкил қилдик. Бугунги кунда аёллар, эркаклар ва болалар кийимларини тикяймиз.

Бинодаги бошқа бўш турган хоналар ҳам хўнаромандлик ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларга берилиши режалаштирилган.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИККА ЎҚИТИЛЯПТИ, АММО...

Туманда тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган, аммо етарли билим ва кўникмага эга бўлмаган ёшлар учун ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда.

Ишсиз ёшларимиздан 114 нафари савдо-саноат палатаси қошида ташкил этилган курсларда тадбиркорликка ўқитилиб, сертификатлар берилди, - дейди туман тадбиркорликка кўмаклашиш маркази раҳбари Музаффар Қиличев. - Уларга дарс жараёнларида туман ҳокимлиги мутахассислари, ёшлар ишлари агентлиги, банк, солиқ ҳамда марказимиз ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун зарур кўрсатмалар берилди. Ўқув курсини тамомлаган 20 нафар ёш банкдан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. 20 нафарига кредит расмийлаштириш жараёни кетмоқда.

Бугунги кунда марказда яна 25 нафар йигит-қиз тадбиркорликка ўқитиляпти. Бу яхши, албатта. Аммо курсни тамомлаб, махсус сертификатга эга бўлаётган ёшларга кредит ажратишда муаммо юзага келмасмикан? Уларнинг аксарияти курсни битириб, банкдан кредит олиш ва тадбиркорликни бошлаш истагида бўлса...

Ишсиз эдим, ёшлар ишлари агентлиги вакилларининг тақлифи билан тадбиркорликка кўмаклашиш марказида ўқидим, - дейди Шарқ юлдази маҳалласида яшовчи ўтган Асадбек Азаматов. - Сертификат олсам, ишларим осон кечади, деб ўйлагандим. Бу орада "Асадбек павлония боғи" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилдим. Энди кўчат олиш учун пул керак пайтда кредит сўраб "Агробанк" туман филиалига бордим, "ресурс йўқ", деган жавобни олдим. Халқ банки туман филиалида ҳам навбатда турганлар кўплигини эшитиб, қўшни Паст Дарғом туманидаги «Микрокредит банк» филиалига боришга мажбур бўлдим. Аммо у ерда ҳам ишларим битиши осон кечмаяпти.

БАНК ХОДИМЛАРИНИНГ ЁШЛАРГА МУНОСАБАТИ ҚАНДАЙ?

Шу саволга жавоб ва ёшларга ажратиладиган кредитлар бўйича маълумот олиш учун тумандаги банкларда фаолият олиб бораётган масъуллар билан суҳбатлашмоқчи бўлдик. «Агробанк» туман филиалига борганимизда бошқарувчи ишда йўқ экан. Бошқа масъуллар эса бошлиқ бўлмаса ва вилоятдаги "катталари"дан рухсат сўрама-са, бизга интервю беролмаслигини, улар билан боғланолаётганини айтишди. Халқ банки туман филиалида ҳам бо-

шқарувчи йўқ экан, аммо масъул шахслар маълумот ва интервью беришди.

Биринчи ярим йилликда "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг 94 нафарига кредит ажратилиши режалаштирилган, - дейди Халқ банки туман филиали юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош мутахассиси Бобур Темиров. - Шу йилнинг 18 май ҳолатига кўра 65 нафар ёшга 1 миллиард 663 миллион 249 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ МУАММОГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ЕЧИМ БЎЛАДИ?

Туманда "Ёшлар дафтари"га киритилган йигит-қизларнинг асосий муаммоси ишсизлик. Бандлиги таъминланганлар рўйхатида турган нурободлик ёшлар билан учрашиб, айримлари билан телефон орқали боғланиб, масалага ечим топиш чоралари кўриляётганига гувоҳ бўлдик. Аммо бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина, йўл қўйилган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Жом қишлоғида яшовчи Зулайҳо Тўрабоева қоғозда иш билан таъминланганлар рўйхатида турибди. Аслида эса...

Маҳалла фаолларидан нолимайман, кўп ёрдам қилди, - дейди у. - Аввал "Темир дафтар"га киритилдим. Моддий ёрдам, озиқ-овқат маҳсулотлари бериб туришди. Кейин бу "дафтар"дан чиқариб, "Ёшлар дафтари"га киритишди. Бу рўйхатга киритилганимдан кейин бир марта 490 минг сўм миқдорда моддий ёрдам беришди. Ишсизман, ишлашга имконим ҳам йўқ. Сабаби, кичик фарзандим касал. Харобагина бир хонали уйда 3 фарзандим билан яшай-ми. Турмуш ўртоғим ёзда мардикорлик қилиб пул топиб келади. Қишда эса бекор. Болаларимга нафақа пули ўтган йилнинг



декабрь ойида тўхтатилган эди. Яна чиқариш учун турмуш ўртоғим ишла бўлиши шарт эканлиги, ўзини ўзи банд қилиши ва бунинг учун 247 минг сўм тўловни амалга оширишимиз зарурлиги айтилди. Ёшлар жамғармасидан берилган бир маргалик моддий ёрданинг яримдан кўпи шунга сарфланди. Аммо яна икки ой вақт ўтдики нафақадан дарак йўқ.

Бу бир мисол. Туманининг олис қишлоқларида ана шундай ишсиз, имконсиз, ҳуқуқий маслаҳатларга муҳтож ёшлар кўп.

Т.НАРЗУЛЛАЕВ, Б.РУСТАМОВ.

«Мулоҳаза учун мавзу»

Инсоният бошига келган офат - коронавирус тарқалганига бир йил бўлди-ю ўз домига олган юз миллиондан зиёд кишидан 3 миллион нафари ўлимга сабабчи бўлди. Ҳўш, нима учун тиббиёт ривожланган бир даврда оддий оқумли касалликдан ўзимизни асрай олмаямиз? Майли, камбағал ёки ўрта ҳол яшовчи давлатларни қўя турайлик. АҚШ, Россия, Германия, Франция, Англия, айниқса, Ҳиндистон каби тиббиёт ривожланган давлатлар ҳам бу касалликка ёв бўлиб, аҳолисини касалликдан қутқара олмапти. Вақт ўтган сари касаллик ер юзини қамраб олмақда. Шифохоналар беморларга тўлди.

Лоқайдлик офат келтиради

Бунга аслида уларнинг ўз имкониятларини ортқича баҳолаб юборишгани сабаб бўлмадикан? Касалликни писанд қилмаслик, лоқайдлик туфайли вазият бутунлай бошқача тус олди.

Бу касаллик юртимизда ҳам четлаб ўтмади. Лоқайдликнинг туфайли 100 мингга яқин киши касалликка чалинди. Зудлик билан тузилган Республика махсус комиссияси қарорига асосан юртимизда карантин эълон қилиниб, коронавируснинг тарқалишини олдини олишга ҳаракат қилинди. Ўз вақтида кўрилган чоралар туфайли касаллик бироз чекингандек бўлди.

Аммо, жорий йилнинг март ойидан бошлаб карантиндаги назоратни унутганимиз туфайли коронавирус яна кучая бошлади. Беморлар сони ортди. Тўғри, касалликка қарши оммавий эмлашни бошладик. Қунига 40 минггача фуқаролар эмланмоқда. Бироқ касаллик тарқалиши камайиш ўрнига аксинча кўпайиб бормоқда. Бир кунда республикамизда 400 нафаргача, вилоятимизда эса 70-80 нафаргача беморлар аниқланыпти.

Ҳўш, нега бу аҳволга тушдик? Наҳотки, қабул қилинган тартибга риоя қилиш малол келса? Оддийгина, никобларни тақиб юриш ва антисептик воситалардан фойдаланиш шунчалик қийинми? Ахир саломатлиги шунга боғлиқ эканини яхши билмизку.

Шунчалик лоқайд ва эътиборсиз инсонларга айланиб қолдикми?

Яқинда иш юзасидан Самарқанд шаҳридаги уй-жой мулкдорлари ширкатларидан бирига боришимга тўғри келди. Бироқ бу ерда карантин қондаларига умуман амал қилмаётганига гувоҳ бўлдим. «Никобни тақинг», «Ижтимоий масофани сақланг» деган эслатмалар илгинган бўлса-да, никоб таққан кишини кўрмадим.

Ишга автобусда бориб келардим,- дейди уч ой илгари шифохонада даволаниб чиққан беморлардан бири. - Транспортда одам кўп, касалликни қимдан юқтириб олганини билмайман. Суринкали касаллигим борлиги учун, даволанишим жуда оғир кечди. Ҳатто дори-дармон ҳам фойда бермай қоларкан. Ҳалигача қийинчилик билан ҳаракатланаман.

Тахририятга келган 70 ёшли отахондан коронавирусга қарши эмланганимиз, деб қизиқиб сўраганимда, ундан «йўқ» деган жавобни эшитиб, ҳайрон бўлдим. Ахир юртдошларимиз дунёни қамраб олган касалликка қарши давлатимиз томонидан бепул эмланиётган бир пайтда бу оқсоқолнинг лоқайдлигини қанчалик кўридик.

Коронавирус касаллигига чалинмаслигининг энг оддий ва осон йўли бу унга қарши эмланишдир. Дилмурод ТЎХТАЕВ.

# ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

**Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:**

№	Балансда сақловчининг номи	Майдон (кв. м.)	Фойдаланиш мақсади	Манзили
1	Самарқанд давлат университети	42,69	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Самарқанд шаҳри Спитаменшоҳ кўчаси, 166-уй
2	Булунгур тумани ирригация бўлими	63,8	Идора (хусусий ташкилотларга офис)	Булунгур тумани Оқтепа кўчаси, 69-уй
3	Пайарик тумани халқ таълим бўлимига қарашли 73-умумий ўрта таълим мактаби	32	Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш	Пайарик тумани Эрназар кўргони МФЙ, Эрназар кўргони қишлоғи
4	Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузурдаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси	484	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш	Паст Дарғом тумани Эски Анҳор кўчаси
5	Пахтачи педагогика коллежи	46,7	Олий ва ўрта-махсус таълим маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Ҳамид Олимжон кўчаси, 4-сектор
6	Пахтачи педагогика коллежи	46,7	Олий ва ўрта-махсус таълим маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Ҳамид Олимжон кўчаси, 4-сектор
7	Пахтачи педагогика коллежи	46,7	Олий ва ўрта-махсус таълим маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш (ўқув курслари билан)	Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчаси Ҳамид Олимжон кўчаси, 4-сектор
8	Самарқанд давлат тиббиёт институти	44,1	Полиграфия	Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй
9	Самарқанд ахборот технологиялари техникуми	138	Олий ва ўрта-махсус таълим маълумотига эга мутахассисларни тайёрлаш ( авто мактаб)	Самарқанд шаҳри Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй
10	Самарқанд шаҳар Ал-Хоразмий маҳалла фуқаролар йиғини	20	Идора (хусусий ташкилотларга офис)	Самарқанд шаҳри Ал-Хоразмий МФЙ Ермухаммедова кўчаси, 9-уй
<b>жами</b>		<b>858,2</b>		

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳқўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: (66)-233-23-52.**

## Самарқанд вилояти “Агрокимёхимия” ҳудудий акциядорлик жамияти АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Самарқанд вилояти “Агрокимёхимия” ҳудудий акциядорлик жамияти акциядорларининг 2020 йил якунида бағишланган навбатдаги умумий йиғилиши **2021 йил 24 июнь** куни соат **11:00** да, Самарқанд вилояти “Агрокимёхимия” ҳудудий акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

**Акциядорлар реестри ёпилган сана:** 2021 йил 26 май ва 2021 йил 18 июнь

**Реестр ёпиш учун асос:** Жамият қузатув кенгашининг 2021 йил 26 майдаги 75-сонли йиғилиш баённомаси.

**Умумий йиғилиш кун тартибидида қўриладиган масалалар:**

- жамият қузатув кенгаши раисининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамият ижроия органининг 2020 йилги бизнес-режа параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик баланс ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича тафтиш аудиторлик ташкилотининг миллий ва халқаро аудит стандарти талаблари асосида ўтказган текширув натижаси юзасидан берган хулосаларини ва текшириш ҳисоботини тасдиқлаш;
- 2021 йилга жамият қузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш;
- 2021 йилга жамиятнинг тафтиш комиссияси тар-

- кибини қайта сайлаш;
  - жамиятнинг 2021 йил учун ижроия органи раҳбари ва унинг аъзоларини хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида сайлаш (тайинлаш);
  - 2020 йил якуни бўйича жамият соф фойдасини тақсимлаш (дивиденд ҳисоблаш, қузатув кенгаши аъзолари ва тафтиш комиссиясини рағбатлантириш ва бошқалар);
  - жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш;
  - жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини миллий ва халқаро аудит стандарти талаблари асосида текшириш учун тафтиш аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақини тасдиқлаш;
  - жамият фаолиятидаги 2020 йил ўтган даври мобайнида амалга оширилган йирик битим ҳамда аффилиланган битимларни маъқуллаш;
  - Самарқанд вилояти “Агрокимёхимия” ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2021 йил 6 майдаги № 01-02/42-сонли хатигада масалани қўриб чиқиш.
- Эслатма.** Акциядорлардан ўзларига тегишли бўлган акция сертификатлари, вакиллар нотариал тартибда тасдиқланган ишончномалари ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари сўралади.
- Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 24 июнь куни соат 10:00 дан бошланади.

**Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 153-уй.**

**Маълумот учун телефонлар: (66) 221-70-65, 221-74-05.**

**“Агрокимёхимия” ҳудудий акциядорлик жамияти маъмурияти.**

## “KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI”

**масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилоят филиали қуйидагиларни маълум қилади!**

«Ўзмилли банк» АЖ Самарқанд вилоят филиалининг 2021 йил 31 майдаги БМ-2841/12-сонли бюртманомасига асосан «Ўзмилли банк» АЖ Самарқанд вилоят филиалига қарашли бўлган, Самарқанд шаҳри, Ю.Ҳамадоний кўчаси, 40-«А» уй, 60- ва 60-«А» хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 197,11 кв.м., қурилиш ости майдони 118,33 кв.м., яшаш майдони 53,65 кв.м, бўлган 60- ва 60-«А» хонадон “KO’CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ Самарқанд вилоят филиали воситачилигида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан 705 870 000 сўм дастлабки тақлиф баҳосида сотувга қўйилмоқда.

Юқоридаги объектнинг сотилиши юзасидан музокаралар баённома газетда эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума) соат 10:00 дан 16:00 га қадар ўтказилади. Талабгорлардан акцепт аризаларини қабул қилиш дастлабки акцепт аризаси берилган куни соат

16:00 да тўхтатилади. Мазкур объект бўйича музокараларда иштирок этиш учун бир кунда икки ва ундан ортиқ талабгорлардан акцепт аризалари тақдим этилганда, мулк эгаси, яъни сотувчи томонидан тузилган махсус музокара комиссияси ўз аризасида энг юқори нархни тақлиф этган талабгорни ғолиб деб топади.

Ғолибга сотувчи билан ўрнатилган олди-сотди шартномасини имзолаш ва шартнома шартларига қўра тўловларни амалга ошириш мажбурияти юклатилади.

**Маълумотларни олиш ва акцепт аризаларни топшириш учун манзил: Самарқанд шаҳри, М.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават, 201-хона. Тел: (факс) (66) 233-80-11. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.lkms.uz.**

*Хизматлар лицензияланган. Лицензия: RR-0001.*

## ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Паст Дарғом тумани ҳокимлиги захира ер майдони ҳисобига қайтарилган Қайирмасой массиви ҳудудидаги Соҳибжамол пахта-ғалла диласи фермер хўжалигидан 11.6 га. ер майдонида янги фермер хўжалиги ташкил этиш учун тендер танлов ўтказилади. Қўшимча маълумотларни Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Самарқанд вилояти бошқармаси Паст Дарғом туман бўлиmidан олишингиз мумкин.

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Жомбой туманидаги «JOMBOY AGROKIMYOHI MOYA AGROKLASTER» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 307659574) ўз устав фондиди 300 000 000 (уч юз миллион) сўмдан 15 250 000 (беш беш миллион икки юз эллик минг) сўмга қаматирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилмайдиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Жомбой тумани Ш. Бурхонов кўчаси, 37-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Алиев Пархат Ахмедович (2020 йил 7 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўббек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Усманов Холмурадга (2011 йил 25 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

расида марҳум Нурмухамедов Аширмаматга (2019 йил 28 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўббек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Гулямов Шарифга (2006 йил 28 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиш.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўббек кўчаси, 80-уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рахимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Усманов Холмурадга (2011 йил 25 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:**

**2021 йилда Самарқанд вилоятида Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш” дастури доирасида жорий йилнинг 30 апрель кунда ўтказилган тендер савдолари натижалари бўйича**

## МАЪЛУМОТ

№	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартирасони	Лот рақами	Объектнинг бошланғич нархи	Тендерда иштирок этиб тақлиф топширган қурилиш ташкилотлари номи	Қурилиш ташкилотининг рейтингини	Ғолибликка тавсия этилган қурилиш ташкилоти номи	Шартнома суммаси
<b>Самарқанд вилояти</b>			<b>900</b>						
1	Паст Дарғом	Фурқат	20	117	3 215 391 518	«Шербек Севинч Сифатли» МЧЖ, «Пирамида голден рич» МЧЖ, «Темир Қолқон» МЧЖ	CCC, CCC, BB	«Шербек Севинч Сифатли» МЧЖ	3 201 276 771
2	Паст Дарғом	Фурқат	20	118	3 215 391 518	«Қобил Мирзо» МЧЖ, «Темир Қолқон» МЧЖ, «Ноҳир қурувчи сервис» МЧЖ, «Шербек Севинч сифатли» МЧЖ	CCC, BB, CC, CCC	«Темир Қолқон» МЧЖ	3 195 015 997
3	Паст Дарғом	Фурқат	20	119	3 215 391 518	«Пирамида голден рич» МЧЖ, «Грант меъмор қурувчи сервис» МЧЖ, «Шербек Севинч сифатли» МЧЖ, «Жума қурувчи» МЧЖ	CCC, CC, CCC, B	«Пирамида голден рич» МЧЖ	3 201 289 951
4	Паст Дарғом	Фурқат	20	120	3 215 391 518	«Uz pro building» МЧЖ, «Матлюба Умида» МЧЖ, «Бемурод барака заминни» МЧЖ	CCC, CCC, B	«Бемурод барака заминни» МЧЖ	3 000 020 162
5	Пахтачи	Истиқлол	20	121	3 215 391 518	«Мароқанд бунёдкори» МЧЖ, «Жамшидjon Универсал савдо» ХК, «Камила» МЧЖ, «Мадина савдо белгиси» ХК, «Тайлоқ Универсал стандарт строй» МЧЖ	CC, CCC, BB, CCC, CCC	«Мадина савдо белгиси» ХК	2 893 793 194
6	Пахтачи	Истиқлол	20	122	3 215 391 518	«Жамшидjon Универсал савдо» ХК, «Мароқанд бунёдкори» МЧЖ, «Мадина савдо белгиси» ХК, «Мароқанд строй буилдинг» МЧЖ	CCC	«Мароқанд бунёдкори» МЧЖ	3 204 252 334
7	Жомбой	Узунувул	20	123	3 206 648 062	«Афсона омад таъмир» ХК, «Иштихон Шерхон Файз» МЧЖ, «Амон бобо люкс» ХК	CCC	«Иштихон Шерхон Файз» МЧЖ	3 046 450 807
8	Жомбой	Узунувул	20	124	3 206 648 062	«Жомбой махсус таъмир қурилиш» МЧЖ, «Бунёдкор Музаффар» МЧЖ, «Амон бобо люкс» ХК	CCC	«Амон бобо люкс» ХК	2 893 852 366
9	Жомбой	Узунувул	20	125	3 206 648 062	«Мансур сифат қурилиш» МЧЖ, «Бунёдкор шикокат қурувчи» МЧЖ, «Меъмор» ХФ	CCC	«Мансур сифат қурилиш» МЧЖ	3 199 714 871
10	Жомбой	Узунувул	20	126	3 206 648 062	«Афросиёб қурилиш инвест» МЧЖ, «Иштихон Шерхон Файз» МЧЖ, «Меъмор» ХФ, «Гашсан Лазиз» МЧЖ, «Қурилиш материаллари қўшма» МЧЖ, «Чарос Нур Барака» МЧЖ	CCC, CCC, CCC, CCC, CCC, CC	«Гашсан Лазиз» МЧЖ	3 195 817 898
11	Нарпай	Нарпай	20	127	3 210 577 566	«Зарафшон» КТИЧК, «Амирбек монтаж қурилиш» МЧЖ, «Толиб Кармана» МЧЖ	CCC	«Зарафшон» КТИЧК	3 202 910 520
12	Нарпай	Нарпай	20	128	3 210 577 566	«Толиб Кармана» МЧЖ, «Бек транс Навойи» МЧЖ, «Зарафшон» КТИЧК, «Бектош» МЧЖ, «Матлюба Умида» МЧЖ	CCC	«Толиб Кармана» МЧЖ	2 900 527 515
13	Нарпай	Нарпай	20	129	3 210 577 566	«Нарпай сам строй» ХК, «Матлюба Умида» МЧЖ, «Амирбек қурилиш монтаж» МЧЖ, «Сунгончи Шоҳруз агрофирма» МЧЖ	CCC	«Нарпай сам строй» ХК	3 196 852 088
14	Нарпай	Нарпай	20	130	3 210 577 566	«Зарафшон» КТИЧК, «Нарпай сам строй» ХК, «Амирбек монтаж қурилиш» МЧЖ, «Бектош» МЧЖ, «Global Commerce» ХК	CCC	«Амирбек монтаж қурилиш» МЧЖ	3 166 544 784
15	Иштихон	Шейхларкент	20	131	3 206 895 240	«МКК-7» МЧЖ, «Мега темир бетон» МЧЖ, «Иштихон тараққиёт қурилиш» МЧЖ	B, BB, CCC	«МКК-7» МЧЖ	3 203 873 304
16	Иштихон	Шейхларкент	20	132	3 206 895 240	«Зойр-Мансур» ХК, «Барлос куч» ХК, «Мега темир бетон» МЧЖ, «Ҳудис баҳо» МЧЖ, «Баҳром қурилиш ашё» ХК	CCC, CCC, BB, CCC, CCC	«Баҳром қурилиш ашё» ХК	3 032 945 891
17	Иштихон	Шейхларкент	20	133	3 206 895 240	«Зойр-Мансур» ХК, «Иштихон бунёдкори» МЧЖ, «Барлос куч» ХК, «Баҳром қурилиш ашё» ХК	CCC, CCC, CCC	«Зойр-Мансур» ХК	3 187 160 732
18	Қўшработ	Заркент	20	134	3 206 648 062	«Феруза» МЧЖ, «Мирзохид бунёдкор қурувчи» МЧЖ, «Қуйи Тегана қурувчи» ХК	CCC	«Феруза» МЧЖ	3 196 713 471
19	Қўшработ	Заркент	20	135	3 206 648 062	«Иштихон Шерхон Файз» МЧЖ, «Бадал қурилиш махсусот савдо» ХК, «Бест континентал» ХК, «Уммон қурувчи инвест» МЧЖ, «Сардор бино» МЧЖ	CCC, CCC, CCC, DDD, CCC	«Сардор бино» МЧЖ	3 156 246 770
20	Қўшработ	Булоқбоши	20	136	3 206 648 062	«Оқдарё бунёдкор қурувчи сервис» МЧЖ, «Қўшработ транс строй» МЧЖ, «Иштихонтрансстрой» МЧЖ	BB, B, B	«Қўшработ транс строй» МЧЖ	3 200 100 000
21	Булунгур	Губдин	20	137	3 206 748 062	«Меъмор» ХФ, «Гашсан Лазиз» МЧЖ, «Мансур сифат қурилиш» МЧЖ, «Бунёдкор Музаффар» МЧЖ	CCC	«Меъмор» ХФ	3 195 102 730
22	Булунгур	Губдин	20	138	3 206 748 062	«Барно сервис люкс» МЧЖ, «Толиб бобо АКТ» МЧЖ, «Афросиёб қурилиш инвест» МЧЖ	CCC, BB, CCC	«Барно сервис люкс» МЧЖ	2 885 983 253
23	Булунгур	Губдин	20	139	3 206 748 062	«Ясмина нур сервис» МЧЖ, «Меъмор» ХФ, «Каттабек қурувчи» МЧЖ	B, CCC, CCC	«Ясмина нур сервис» МЧЖ	3 193 787 335
24	Каттақўргон	Алишер Навоий	20	140	3 215 391 518	«Пардоз» МЧЖ, «Мундин Бектошбек» ХК, «Мароқанд строй буилдинг» МЧЖ	CCC	«Пардоз» МЧЖ	3 210 841 658
25	Каттақўргон	Алишер Навоий	20	141	3 215 391 518	«Мирзохид бунёдкор қурувчи» МЧЖ, «Пардоз» МЧЖ, «Самарқанд гака плюс» ХК	CCC	«Мирзохид бунёдкор қурувчи» МЧЖ	3 213 077 195
26	Каттақўргон	Алишер Навоий	20	142	3 215 391 518	«Мирзохид бунёдкор қурувчи» МЧЖ, «Самарқанд гака плюс» ХК, «Пардоз» МЧЖ	CC, CCC, CCC	«Самарқанд гака плюс» ХК	3 206 821 043
27	Нуробод	Наврўз	20	143	3 215 391 518	«Оқдарё қурувчи савдо» МЧЖ, «Жомбой кафолат қурилиш» ХК, «Сирож пласт сервис» МЧЖ, «Сардор бино» МЧЖ, «Мароқанд строй буилдинг» МЧЖ	CCC	«Мароқанд строй буилдинг» МЧЖ	3 204 647 644
28	Нуробод	Наврўз	20	144	3 215 391 518	«Оқдарё қурувчи савдо» МЧЖ, «Evro house» МЧЖ, «Uz pro building» МЧЖ	CCC	«Evro house» МЧЖ	3 205 057 253
29	Пайарик	Туркибола	20	145	3 215 391 518	«Каттабек қурувчи» МЧЖ, «Пайарик қурилиш сервис» МЧЖ, «Ясмина нур сервис» МЧЖ, «2-сон МКК» МЧЖ	CCC, B, BB	«Каттабек қурувчи» МЧЖ	3 197 133 025
30	Пайарик	Туркибола	20	146	3 215 391 518	«Гашсан Лазиз» МЧЖ, «Меъмор» ХФ, «Афросиёб қурилиш инвест» МЧЖ, «Камила» МЧЖ, «Бунёдкор Файз меъмор» МЧЖ, «Каттабек қурувчи» МЧЖ, «Пайарик қурилиш сервис» МЧЖ	CCC, CCC, CCC, BB, CCC, CCC, CCC	«Камила» МЧЖ	2 944 863 378
31	Пайарик	Туркибола	20	147	3 215 391 518	«Пайарик қурилиш сервис» МЧЖ, «Шохрух қурилиш дизайн» МЧЖ, «Каттабек қурувчи» МЧЖ, «Бунёдкор Файз меъмор» МЧЖ	CCC, BB, CCC, CCC	«Шохрух қурилиш дизайн» МЧЖ	3 150 273 388
32	Самарқанд	Паррандачилик	20	148	3 215 391 518	«Толиб бобо АКТ» МЧЖ, «Самарқанд строй сервис плюс» МЧЖ, «Бунёдкор Самарқанд» ХК, «Капитал Улгури савдо» МЧЖ, «Шохружон сервис» ХК	BB, CCC, CCC, BB, CCC	«Толиб бобо АКТ» МЧЖ	2 893 852 366
33	Самарқанд	Паррандачилик	20	149	3 215 391 518	«Толиб бобо АКТ» МЧЖ, «Бунёдкор-Самарқанд» ХК, «Самарқанд строй сервис плюс» МЧЖ, «Сардорбек дизайн» МЧЖ, «Капит			



# АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ АДАБИЙ САБОҚЛАРИ

Хар бир даврнинг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, Чўлпон сингари етук шоирлари бўлади. Замондош шоирлар, аҳли ижод улар эришган тафаккур миқёсларига қараб интилган, улардан андаза олган. Қизиғи шундаки, кўпчилик мумтоз шоирлар ҳозирги шоирликка даъвогарлардан фарқли равишда ўз истеъдоду ижодларини уларга қараб чамалаб кўришган, уларда "шундай буюк шоирларнинг ижоди олдида менинг ёзганларим нима бўларди", деган андиша бўлган. Шарму ҳаё туйғуси ҳар балоларни шеър деб тақдим этишдан уларни асраган...

Ижодкорларга намуна бўладиган ибрат мактабини яратган шоирлардан бири, шубҳасиз, Абдулла Ориповдир. Шоир шеърятининг асосини белгилловчи омиллар, бу – ҳаёлотнинг бойлиги, тафаккурнинг теранлиги, фалсафий мулоҳазаларнинг ҳаётий хулоса ва сабоқларга йўғрилганлигидир. Бу лирик қаҳрамон учун мужмал ҳис-туйғулар ёт, майда гаплар бегона. Поэтик гоё фикр ва туйғу синтезининг энг авж нуқталари орқали ривожланади, муайян мазмун ва шакл бирлигини юзага келтиради.

Абдулла Ориповнинг 20 ёшлар нари-берисиде ёзган шеърларини ўқисангиз, гўёки ҳаётнинг барча паст-баландини кўрган, аччиқ-чучугини тотган, оқ-қорасини беҳато ажрата оладиган катта ҳаётий тажрибига эга шахснинг теран мулоҳазаларини эшитгандек бўласиз.

Шоир шеърятининг бетакдор, оригиналлиги шундаки, у қайси мавзуда ёзмагин – ўша масаланинг янги бир қиррасини очишга эришади. Масалан, бургут жуда кўп поэтик талқинларга тортилган, рамз, мажоз вазибаларини ўтаган, масалларда ўзига хос образ бўлиб келган. У ҳақда гўёки айтилмаган гап қолмагандек. Абдулла Орипов шеър аввалда унинг виқори ва шиддати хусусида гапириб, охири мисраларда кўйидагича ҳаётий, теран умумлашмаларга келади:

*Ўйноқи шамоллар ила басма-бас,  
Ана, қўнди бургут энг юксак жойга!  
Чўққи узра мағрур турди-ю бир пас,  
Яна бўрон мисол кўзгалди. Қайга?..  
Ахир не бўларди берсанг, табиат,  
Шу буюк шиддатга яраша мақсад!*

Шу тарихи Абдулла Ориповнинг "бургут" ёшлик шижоати ва байратини елга совураётган, ҳаётда қорин ва нафс ғамидан ўзга мақсад муздаос бўлмаган кишининг тимсолига айланади.

Шоирнинг кўп бахсу мунозараларга сабаб бўлган машҳур "Тилла балиқча" асари ҳам шу рўҳдаги шеърлардан бири.

Фаридудин Аттор шеърятини қудуқ дунёнинг рамизи бўлиб келади. Улуғ шоир талқинига кўра инсон илохий сифатларга интилиши тўғрисида тирикчиликнинг тор, биқик, қоронғу ва зах қудуғидан қутулиши мумкин. "Тилла балиқча" сўзиб юрган "кўлмак ҳовуз" ҳазрат Аттор назарда тутган қудуқнинг кенгайтирилган модели. Бунда бурнидан нарини кўролмайдиган, тор-биқик дунёқарашига ўралашиб қолган кимсаларнинг қисмати рамзлар, имо-ишоралар тилига кўчирилади.

Инсон ҳаётида, айниқса, ижодкорлар дунёқараши ва шахсиятида ақл ва руҳ, жон ва вужуд, қалб ва қиёфа мунозараси-ю можаролари алоҳида ўрганиладиган фалсафий-психологик масалалардан. Шоир жуда кўп шеърларида китобхонга ана

шу масаланинг ранг-баранг талқинларини тақдим этади:

*...Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,  
Туйдим эҳтироснинг самовий кучин.  
Дунёда одамзод яшамас, охир,  
Фақат иродасин синмақ учун.*

Абдулла Ориповнинг "Учинчи одам" шеърдан сўнг китобхон адабий онгида "учинчи одам фалсафаси" деган тушунча пайдо бўлди. Шоир бу шеърдан турмуш воқелигини кузатиб, унинг туб моҳиятида ётган аччиқ ҳаёт ҳақиқатини рўёбга чиқарди. Нега учинчи одам? Чунки инсон бир ўзи қолганида ички руҳий зиддиятларга бора ҳам ҳеч вақт ўзининг ёқасидан олмайди. Иккинчи одам келса, ёлғизлик ҳисси уларни бирлаштиради: ҳамқору ҳамфикрга айланади. Учинчи одамнинг пайдо бўлиши билан можаро бошланади: уни бунга ёмонлаш, иккиюзламачилик, ҳасадгўйлик, мунофиқлик равнақ топади. Юзакироқ қараганда, учинчи одам унча ёмонга ўхшамайди – ўз биродарингдек, улфатингдек, қиёматлик дўстдек таассурот қолдиради. Дурустроқ назар солганда эса биринчи таассурот алдани эканлиги сезилади. Муаммонинг муаммолиги шундаки, учинчи одам иблисдек турли қиёфаларга кираётганлиги учун уни дабдурустдан таниб бўлмайди. Аста-секинлик билан ўчлик назарисининг қамров доираси кенгайиб, энди бу ўпқонга халқлар, давлатлар, жамиятлар тортिलाверади:

*Учинчи бу Одам тирикдир токи  
Дунёнинг чайқалиб турмоғи аён.  
Серғалла асрада бу зот хаттоки  
Салтанат шаклида бўлур намоён.*

Кўриниб турибдики, Абдулла Орипов шеърларида поэтик фикр оддий турмуш ҳақиқатлари билан бошланар экан, мисрадан мисрага, банддан бандга ўтган сари маъно ўфқлари кенгайиб, поэтик мулоҳазалар бир қанча тадрижий тақомил босқичларини босиб ўтади ва шу асосда бетакдор бадий мазмунга эга янги бир микролам яратилади.

Рус адабиётшуноси В.Днепров адабиётни метафоралар қабристонини, деб атайди. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, нафақат метафоралар, образ ва характерлар ҳам аслиятга мувофиқ бир бор ишлатилгач, ўз вазибаларини бажарган ҳисобланади. Энди у метафоранинг, образнинг, характернинг нуҳсасини, соясини яратишга ҳожат йўқ. Соддароқ айтганда, Абдулла Орипов яратган "Бургут", "Учинчи одам" мавзусида шеър ёзиш мумкин, бироқ бу образлар Абдулла Орипов кашф қилган образлардан янги қирралари билан, янги мазмуни билан фарқланиши керак. Шу оддий ҳақиқатни кўпчилик тушунганида бугун "шеър" ёзаётганлар сони анчагина мезёрга тушган бўларди.

Шоир шеърятини борасида бир қатор илмий

тадқиқотлар амалга оширилди, бироқ бу лириканинг мумтоз шеърят, хусусан, тасаввуф адабиёти билан алоқадорлиги борасида деярли илмий изланишлар кузатилмапти. Ваҳоланки, шоирнинг навқирон ёшларида яратилган "Ишонч", "Рухим", "Соғиниш" каби ўнлаб асарларини олам ва одам хусусидаги сўфиёна талқинларининг аънаналари кўзга ташланади. Бу аънаа шоирнинг кейинги йиллар шеърятинида ҳикмат садолари тарзида янада сайқал топти, халқона донишмандликнинг намуналари сифатида янада теранлашди.

Бизнингча, шоир ижодини ўрганишда шеърятини шартли равишда, энг аввало, икки туркумга бўлиб тасниф этиш мумкин.

**Биринчиси**, муҳаббат мавзусида, табиат манзаралари тўғрисида, муайян руҳий ҳолат ва кайфиятлар акс этган илҳам лирикаси.

**Иккинчиси**, ички ва ташқи оламнинг энг муҳим моментлари синтезлаштирилган, ижтимоий фикрнинг салмоқдорлиги баланд, тафаккур ва туйғулар кўлами кенг ифода этилган шеърлари.

Абдулла Ориповдай истеъдодли баркамол шоир учун биринчи туркумдаги шеърларни ёзиш қийин келмаган. Бироқ иккинчи туркумга мансуб шеърлар бирпасда ёзиладиган шеърлар эмас. Шоирнинг "Олти ойим шеър ёзмайман, юрагим зада" сатрларида парвози баланд, салмоқдор мазмунли асарлар назарда тутилган бўлса, ажаб эмас. Табиийки, иккинчи туркумга мансуб шеърларни йўл-йўлақай ёзиб бўлмайди. Бу тоифа шеърлар ҳаётий мантқиқ ва хулосаларга таянади, ижодий тажриба ва кенг дунёқарадан туғилади, кечинма ва тафаккурнинг қўйма яхлитлигидан яралади. Чунки тўғма гоё, тўғма истеъдод тушунчалари адабий онг ва тарихий хотира ўзлаштирган малакаларнинг ҳосилати сифатида рўёбга чиқади.

Инсон ва оламни бут-бутун, мукамил бир гармонияда кўриш истаги мазкур шеърятнинг қон ва жон томиларидир. Абдулла Орипов назми руҳга алла айтиб, қалбни тинчанлиқдан шеърят эмас. Аксинча, руҳни бедорликка, қалбни безовталиқка ундайди, ташқи оламда ҳам, ички дунёда ҳам нималардир бошқачароқ бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Кўпинча маълум бир сўз санъаткорининг асарларини кузатганда, улар ижодида кўтарилиш ва пасайиш даврлари бўлганлиги, барча битганлари бирдек муваффақиятлик чиқмаганлиги сезилади. Бироқ Абдулла Орипов ижодида бундай асарлар ниҳоятда кам, айтиш мумкинки, бармоқ билан санарли. Шоир лириканинг деярли барча жанр ва шаклларида ижод қилди ва ҳар бир йўналишда ўша жанрларнинг етук намуналарини яратди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони атрофда кечаётган ҳодисотларнинг сабаб-оқибат илдизларини яхши

англайди. Ўтган асрнинг охириги ўн йилликларида ташқи дунёнинг мослашувчанлик ва кўниқувчанлик гоёларининг кириб келаётганлиги, глобализация иллатларининг мамлакатимизга совуқ ҳаво иқлимидек ёпирилаётганлиги, миллий қадриятларнинг қадрсизланиши натижасида дўст билан душманининг улфат, мунофиқ билан норасиданинг устоз-шогирд, иблис билан инсоннинг ота-бола киришаётганлиги бу лирик қаҳрамон қалбиде оғриқлар уйғотганлиги ўша пайтларда ёзилган асарларидан маълум. Шу боис бўлса керак, лирик қаҳрамоннинг лутфи кинояга, кинояси эса аччиқ кесатик ва захархандага айланади, ифодада сатирик асос чуқурлашади. Шу билан бирга умр мазмуни, инсон моҳияти тўғрисида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, "жайдари фалсафа"га йўғрилган туркум шеърлари яратилдики, булар алоҳида тадқиқот мавзусини талаб этади:

*Оқиллар кўпайиб кетса ҳам агар,  
Барибир яшайди битта девона.  
Орта гар шоирлар сони муқаррар,  
Топилгай ўқувчи, майли, бир дона.  
Бойлар ер юзини эгаллаган дам,  
Қайдадир бир йўқил юргайдир шакиси.  
Дунёни бахтлилар чулганда ҳам,  
Уларнинг ичиде учар бир бахтсиз.*

Этибор қаратилиши зарур бўлган яна бир жиҳат шундаки, Абдулла Орипов мумтоз адилбар аънарасини давом эттириб, асарлари учун идеал, ижобий образларни ўтмишдан, салбий тилларни эса бугунги макон ва замондан танлайди. Шунинг учун у бир шеърда:

*Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ,  
деб ёзган эди. Бу салбий образларнинг тоифалари кўп: ивгогар, ҳасадгўй, кўчирмақаш, графоман – яъни ёзиш касалига мубтало бўлганлар, касбини эпалломай тулкилик қилаётганлар, ўлаксадан ўзга муддаоси бўлмаган бургутсифатлар, мунофиқликка шай турган учинчи одамлар ва ҳоказо.*

Абдулла Орипов шеърятини ҳар ким ҳар кунги ўқиси керак. Шунда шоир айтгандек, дунёда диёнат ҳали мавжудлигига, ҳали соф туйғулар барҳам топмаганига ишончи мустаҳкамланади.

Шунда... тирикчилик чанглари билан ғуборланган кўнгли бир қадар покланади, моддият ва манфаат занглари билан ўтмаслашган онг равшанлашади. Шунда... оппоқ қоғознинг юзларини қора айлаб, назмбозлик қилаётганимиздан юзларини қизариб, афсусланардик.

Бу Абдулла Орипов шеърятининг бизга берган муҳим сабоқлари бўларди!

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
филология фанлари доктори.

## «ЕВРО – 2021»:

Футбол ўйинларига кимлар кўйилади?

**Ишқибозлар сабрсизлик билан кутаётган навбатдаги Европа чемпионатининг футбол ўйинларига саноқли кунлар қолди.**

Аммо учрашувлар бўлиб ўтадиган ҳамма мамлакатларда ҳам ишқибозлар бевосита минбарларда ўтириб беллашувларни томоша қилолмайд.

Сабаби, пандемия тўғрисида стадионларга томошабинлар киритиш чекланган. Масалан, Амстердам, Бухарест, Глазго, Копенгаген, Рим ва Севильяда бўладиган матчларга стадионлар – 25 дан 33 фоиз, Лондонда – 25 фоиз, Мюнхенда – 22 фоиз тўлдирилиши белгиланган. Бу борада Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган ўйинларга чипта олган ишқибозларнинг омади келган. Пандемия вазиати ҳисобга олинган ҳолда Ирландиянинг Дублин шаҳрида

бўлиб ўтадиган ўйинлар – уч учрашув Санкт-Петербургдаги беллашувларга қўшилди. Бу шаҳарда 7 та учрашув бўлиб ўтади: 12 июнда Бельгия – Россия, 14 июнда Польша – Словакия, 16 июнда Финляндия – Россия, 18 июнда Швеция – Словакия, 21 июнда Финляндия – Бельгия, 23 июнда Швеция – Польша терма жамоалари навбатдаги босқичга чиқиш учун ўзаро куч сынашади.

Шунингдек, чорак финал учрашуви ҳам 2 июлда шу шаҳарда бўлиб ўтади. Санкт-Петербургда худди Баку сингари стадионларга 50 фоиз томошабин кўйилиши мўлжалланмоқда. Россияда «Евро-2021» ўйинларига ҳукумат иложи



борича қўлида чиптаси бўлган хорижий ишқибозларни кўпроқ киритиш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Стадионларга пандемияга қарши тест синовларидан ўтган ишқибозлар киритилади. Ҳар қандай ҳолатда стадионга киришни истаган ишқибозларнинг ҳаммаси ҳам бунга эришолмайди.

УЕФА ҳозирда чипта сотиб олган мухлисларнинг сонини аниқламоқда. Агар уларнинг сони рўҳсат этилган миқдордан ошиб кетган бўлса, ишқибозлар лотерея йўли билан ўйинларга кўйилади. Бу ёғи омадга боғлиқ. Фақат Будапештда ўйинларга 100 фоиз томошабин кўйилиши мўлжалланмоқда.

**Т.ШОМУРОДОВ**  
тайёрлади.

## Булунғурлик ёш бахшиларни эл танимоқда

Бундан 11 йил аввал туман марказида 2 миллиард сўмлик кўриштирилган амалга оширилиб, 9-сон болалар мусика ва санъат мактаби бунёд қилинган эди.

- 150 ўринли таълим масканида ҳозирги кунда 270 нафар ёш санъатсевар 13 йўналиш бўйича мусика ва рақс сирларини ўрганмоқда, - деди мактаб директори Шербек Ерматов. – Президентимизнинг тегишли қарорига биноан ўтган йили мактабда бахшичилик тўғрисида очилиб, 5 нафар ўқувчи қисқа вақт ичиде дostonларни ёд олишди. Тўғарақ раҳбари Пўлжан шоирнинг неваре шогирди Шерқўзи Норбеков ёш бахшиларга дўмбира чертиш сирлари ва оҳангдан сабоқ бермоқда.

Шунингдек, мактабнинг халқ чолғу ансамбли, дамли ва зарбли чолғу оркестри шу йилнинг 29 март кунини Тошкентда бўлиб ўтган республика танловида 1- ва 2-даражали диплом билан тақдирланди. Ж.Абдуғафоров, О.Абдусатторов раҳбарлик қилган ансамбль ва оркестрлар вилоятимизда ҳам етакчи.

Чанг устаси Севинч Турсунова, дуторчи қиз Маҳлиё Акрамова ва гитарачи Азиз Суқоновлар ўз санъатларини Россия, Германия, АҚШ ва Швецияда намойиш қилиб олқишлар олишди.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛУД ТОПГАНЛАР

### 3 ИЮНЬ

**Бозорбой ЎРИНБОЕВ** – (1936-2014). Жомбой туманида туғилган. Филология фанлари доктори, профессор.

### 6 ИЮНЬ

**Абдурашид ЭРГАШЕВ** – 1941 йилда Қўқонда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

### 7 ИЮНЬ

**Абдураҳим СОЛИЕВ** – 1939 йилда Фориш туманида туғилган. Филология фанлари доктори. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



## Мустақиллик йиллари Самарқандда

### 2008 йил, февраль

16 февраль кунини ўтган йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда илҳомларини мамлакатимизга совуқ ҳаво иқлимидек ёпирилаётганлиги, миллий қадриятларнинг қадрсизланиши натижасида дўст билан душманининг улфат, мунофиқ билан норасиданинг устоз-шогирд, иблис билан инсоннинг ота-бола киришаётганлиги бу лирик қаҳрамон қалбиде оғриқлар уйғотганлиги ўша пайтларда ёзилган асарларидан маълум. Шу боис бўлса керак, лирик қаҳрамоннинг лутфи кинояга, кинояси эса аччиқ кесатик ва захархандага айланади, ифодада сатирик асос чуқурлашади. Шу билан бирга умр мазмуни, инсон моҳияти тўғрисида, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, "жайдари фалсафа"га йўғрилган туркум шеърлари яратилдики, булар алоҳида тадқиқот мавзусини талаб этади:

*Оқиллар кўпайиб кетса ҳам агар,  
Барибир яшайди битта девона.  
Орта гар шоирлар сони муқаррар,  
Топилгай ўқувчи, майли, бир дона.  
Бойлар ер юзини эгаллаган дам,  
Қайдадир бир йўқил юргайдир шакиси.  
Дунёни бахтлилар чулганда ҳам,  
Уларнинг ичиде учар бир бахтсиз.*

Этибор қаратилиши зарур бўлган яна бир жиҳат шундаки, Абдулла Орипов мумтоз адилбар аънарасини давом эттириб, асарлари учун идеал, ижобий образларни ўтмишдан, салбий тилларни эса бугунги макон ва замондан танлайди. Шунинг учун у бир шеърда:

*Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ,  
деб ёзган эди. Бу салбий образларнинг тоифалари кўп: ивгогар, ҳасадгўй, кўчирмақаш, графоман – яъни ёзиш касалига мубтало бўлганлар, касбини эпалломай тулкилик қилаётганлар, ўлаксадан ўзга муддаоси бўлмаган бургутсифатлар, мунофиқликка шай турган учинчи одамлар ва ҳоказо.*

Абдулла Орипов шеърятини ҳар ким ҳар кунги ўқиси керак. Шунда шоир айтгандек, дунёда диёнат ҳали мавжудлигига, ҳали соф туйғулар барҳам топмаганига ишончи мустаҳкамланади.

Шунда... тирикчилик чанглари билан ғуборланган кўнгли бир қадар покланади, моддият ва манфаат занглари билан ўтмаслашган онг равшанлашади. Шунда... оппоқ қоғознинг юзларини қора айлаб, назмбозлик қилаётганимиздан юзларини қизариб, афсусланардик.

Бу Абдулла Орипов шеърятининг бизга берган муҳим сабоқлари бўларди!

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
филология фанлари доктори.

### март

11 март кунини Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов республика Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандда келди.

### апрель

15 апрель кунини халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этди. Сессияда Ўқтам Барноев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Испания қироллиги халқ ҳимоятчиси Энрике Муғика Герцог раҳбарлигидаги Испания Омбудсумани делегацияси Самарқандда бўлди.

### май

13 май кунини Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су республика Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Вилоят умтаълим мактабларининг 9-синфини 77104 нафар, 11-синфини 26050 нафар ўқувчини битирди.



Hajm 2 bosma taboq, bichimi A-2

